

Китоблар




17:37 / 27.12.2010 51960

Тафсири Ҳилол


Халқимизнинг Ислом дини асосларини, Қуръони Карим маъноларини билишга чанқоқлигини эътиборга олиб, ҳамда бир неча қимматли кишиларимизнинг далдалари билан инсоният ҳаётининг асосий дастури бўлмиш Қуръони Каримни имконимиз етган қадар тафсир қилишга киришдик. Бу ишда бизга салаф муфассир уламоларимизнинг (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) бебаҳо тафсирлари қўл келди...

Ҳадис ва Ҳаёт (39-та китоб)




Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақида ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ - улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш. Диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат - хурофатларни йўқотиш...

Поклик иймондандир




Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳожи ўғлининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходим, журналист Холида Ахрарова билан мусаҳабаси инсон маънавиятини тўлдириш, ёшларни гўзал хулқли, марҳаматли, меҳр шафқатли, инсофли ва покиза, баркамол килиб тарбиялашда ислом анъаналаридан ўринли фойдаланиш ҳақидадир...

Исломда инсон ҳуқуқлари




Бугунги кунимизда инсон ҳуқуқлари масаласи, жаҳон сиёсатида энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолгани ҳаммага маълум. Дунёнинг етакчи мамлакатлари ўз юртларида инсон ҳуқуқларига тўла риоя қилинаётгани билан фахрланганлари бир қаторда бошқа давлатларни ҳам ўзларидан ўрнак олишга даъват қилмоқдалар...

Ихтилофлар ҳақида




Азиз иймондошлар. Ниятимиз холис эканлигини англаб етган бўлсангиз бас. Ҳа, сиз муҳтарамлар билан мусулмонлар орасидаги ихтилофлар ҳақида гаплашмоқчимиз. Чунки, минг афсуслар бўлсинким, ушбу масала ўртага чиқди, авж олди ва мусулмонларга кўпгина мусибатлар етказди.

ИСЛОМИЙ ОИЛА-ФАРОҒАТ ҚАСРИ




Ислом инсонни икки дунё саодатига элтувчи илоҳий кўрсатмалар мажмуаси эканини бугун кўплар тан олмоқда. Ҳақиқатда ҳаётимизнинг қайси соҳасидан бахт-саодатни изласак уни, албатта, Ҳақ динимиз Исломдан топамиз. Жумладан оиладаги бахт саодатни ва фароғатни Ислом динидан ташқарида излаш мушкул эканини тушуниб етаяпмиз. Атрофимизда яшаб турган турли қавмларнинг турмуш тарзига ва оилавий ҳаётига разм соладиган бўлсак...

Рамазонни қаршилаб




...Кенг китобхонлар оммасига мўлжаланган ушбу рисолада, Исломнинг беш фарзидан бири бўлмиш - Рамазон рўзаси ҳақида атрофлича фикр юритилади. Шу билан бирга Ислом асосларини содда ва равон услуб ила тушунтирилган бошқа мақолаларда ҳам, ўқиб - ўрганганларга амал қилишга - ҳидоятга даъват қилинади...

Шоядки тақводор бўлсак




Қўлингиздаги китоб муаллифи Моварауннаҳр мусулмонларининг энг азиз, мўтабар кишиларидан бири. У зотнинг пур ҳикмат нутк ва мақолалари, суҳбатларида дин шариат аҳкомлари оммабоп қилиб тушинтирилган, кишилар тўғри йўлга даъват этилган. Уларни китоб ҳолида сизга тақдим этарканмиз, холис дуо қиламиз: "Шоядки тақводор бўлсак..."

Ислom мусаффолиги йўлида




Халқимиз, мусулмонлар учун қайғуриб, динимизнинг бидъат, хурафатлардан, хар хил тарафкашликлардан мусаффо бўлишлиги учун бақадри хол харакат килаётган хурматли муаллифимиз Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратлари ўзларининг навбатдаги рисоаларини сизларга мамнуният ила тақдим килмоқдалар. Рисоланинг "Ислom мусаффолиги йўлида" деб номланиши хам бежиз эмас. Чунки, динимизнинг мусаффо бўлиши иймонимизнинг тозариши демакдир...

Ислom маънавий жинойтларга карши




...сўнгги даврларда маънавий жиноятлар "болалаб" кетган. Бунинг асосий сабаби халкимизнинг Исломдан, Куръондан, Суннати набавийдан сунъий равишда узоклаштирилганидир. Зукко муаллимиз Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратлари ўлкамизда кенг тарқалган, жамиятда хавфли ҳасталикка айланган баъзи бир маънавий жиноятларни каламга олиб, уларни Куръони Карим ва Суннати Шариф ила муолажа қилишни таклиф этадилар...

Способны ли вы верить в существование Аллаха (О вере)




Эта книга, принадлежащая перу известного религиозного ученого и деятеля Шайха Мухаммад Сади́ка Мухаммад Юсуфа, можно сказать, впервые очень популярно, доступно, но тонко и вдумчиво разъяснит основные положения Корана и мусульманской религии вообще. Вера и реальная жизнь, Коран и наука, Аллах и человек, - вот так, не в разрыве, а в кровном единстве рассмотрены волнующие всех и каждого вопросы.

Жамиат кўксига урилган захарли ханжар




Кўлингиздаги рисолага, унинг ичидаги маколаларидан бири - "Жамият кўксига урилган захарли ханжар" ном килиб олинди. Бу албатта бежиз эмас. Зеро, рисолада баён қилинган масалаларнинг аксарияти жамиятимиз кўксига урилган захарли ханжар кабидир. Жамиятнинг тузатишнинг ягона йўли бор, у ҳам бўлса Исломи кўрсатмаларига амал қилишлиқдир. Шунинг учун ҳам бу рисолада исломий муолажаларга мурожат қилинади.

Тарих омонатдир




Бу рисолада тарихимизнинг очилмаган зарҳал саҳифаларини варақлайсиз. Миллатимиз, динимиз, мустақиллигимиз учун курашган азизларимиз ҳаёти ва фаолиятлари ажиб бир тарзда баён қилинганини гувоҳи бўласиз. Тарих ва адабиётимиз ҳақида исломий нуқтаи назардан билдирилган фикр ва мулоҳазалар билан танишасиз.

Ислам и экология




...Всевышний наделил человека даром речи, бессловесный же мир растений и животных до той поры безмолвно переносили варварские вмешательства человека, пока тот сам не остановился, заметив, что многие виды растений уже исчезли навсегда, под угрозой находятся другие. Уничтожены или исчезли многие виды редких животных на суше и на море, реже стал хор птичьих голосов, знакомый с далекого детства...

Иймон




...Жамият ҳар жиҳатдан таназзулга юз тутган бир пайтда, хусусан маънавий инкирознинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли сифатида Исломдан нажот кутилмоқда. Дарҳақиқат, кишиларни, қолаверса, халқимизни ғайриинсоний хатти-ҳаракатлардан халоскорлик вазифасини Ислом ўз зимасига олишга тайёр...

Тасаввуф ҳақида тасаввур



...Замони саодатда ва ундан кейинги дастлабки вақтларда ақоид, фикҳ ва бошқа исломий илмлар қатори тасаввуф ҳам алоҳида ажраб чиққан эмасди. Ҳа даврдаги мусулмонлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик чоғларида барча нарсада у зотнинг ўзларига эргашар эдилар...

Дин насиҳатдир



...Йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Ҳа фаолият ва ишлар ичида бошқалар билан мулоқот қилиш билан бирга мусулмонлар ўзаро мулоқот қилишлари, ораларидаги ихтилофларни йўқотишлари ва биргаликда муаммоларнинг тўғри ечимларини топишлари лозим деган чақириқлар ҳам баралла янграмоқда..